

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Космик тадқиқотлар ва технологиялар
агентлигининг Илмий-техник ва эксперт кенгашининг
НИЗОМИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлигининг Илмий-техник ва эксперт кенгаши (кейинги ўринларда - Кенгаш деб юритилади) фаолиятини ташкил этиш тартибини, вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва ваколатларини белгилайди.

2. Космик тармоқни ривожлантиришнинг стратегик масалалари бўйича қарорлар қабул қилиш Кенгашнинг хулосалари асосида амалга оширилади

3. Кенгаш ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларига, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

2-боб. Кенгашнинг асосий вазифалари ва функциялари

4. Кенгашнинг асосий вазифалари:

республиканинг космик тадқиқотлари ва технологияларини янада ривожлантиришга оид концепция ва дастурларни шакллантириш, кўриб чиқиш ва амалга ошириш, шу жумладан илмий-техник ва инвестиция сиёсатини шакллантириш бўйича таклифларни тайёрлаш, шунингдек, космик инфратузилма объектларини яратиш, ривожлантириш ва таъминлаш, илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш бўйича ишларни ташкил этиш;

жаҳон космик саноатининг ривожланиш тенденцияларини, мамлакат иқтисодиётининг турли соҳаларида илғор космик технологияларни жорий этиш масалаларини ҳисобга олган ҳолда республика космик саноатини ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги ривожлантириш стратегияси (давлат дастурлари)ни кўриб чиқиш;

ер усти космик инфратузилмаси иншоотлари лойиҳаларини кўриб чиқиш ва келишиш;

илмий ва лойиҳа ғояларини кўриб чиқиш, инвестиция ва ишчи лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун техник топшириқларни шакллантиришга кўмаклашиш;

космик фаолиятнинг илмий ва ишлаб чиқариш корхоналарини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, модернизациялаш бўйича маҳаллий ҳамда хорижий ҳамкор компаниялар таклифларини кўриб чиқиш;

космик ва ер усти инфратузилмаси объектларини жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, фойдаланишга топшириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

космик тармоқ ва тегишли инфратузилма ишлатишда хавфсизликни таъминлаш, аҳоли ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича таклифлар тайёрлаш;

космик фазони тадқиқ этиш ва ундан тинч мақсадларда фойдаланиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг бажарилишини таъминлаш бўйича чоралар кўриш;

космик саноатни ривожлантиришнинг стратегик масалалари бўйича хулосаларни тайёрлаш.

5. Кенгаш ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун куйидаги функцияларни амалга оширади:

республика космик тармоқни янада ривожлантириш бўйича концепция ва дастурларни шакллантириш, кўриб чиқиш ҳамда амалга оширишни ташкил қилади;

космик тадқиқотлар ва технологияларни ривожлантириш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этади, уларни муҳокама қилиш ва келишиш, шунингдек уларнинг амалга оширилишига кўмаклашади;

космик тадқиқотлар ва технологиялар бўйича республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини кўриб чиқади;

космик тармоқ ва тегишли инфратузилма объектларини қуриш лойиҳаларини кўриб чиқади ва тасдиқлашга тавсия қилади;

космик тадқиқот ва технологияларни ривожлантириш дастур, концепциялари, космик фаолият объектларини қуриш лойиҳалари бажарилишининг тегишли қисми тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги (кейинги ўринларда - «Ўзбеккосмос» агентлиги) бош директорининг, тегишли вазирлик, идоралар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади.

космик иншоотларнинг муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмаларини ривожлантириш бўйича лойиҳаларини кўриб чиқади ҳамда уларни тасдиқлаш, амалга ошириш учун ваколатли органларга таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқади.

3-боб. Кенгашнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

6. Кенгаш қуйидагиларга ҳақлидир:

вақтинча ишчи гуруҳлар тузиш ва уларда ишлаш учун мутахассисларни, шу жумладан хорижий мутахассисларни жалб қилиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, шу жумладан олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш ташкилотларидан Кенгаш фаолиятига оид маълумот ҳужжатларни сўраш;

космик тадқиқот ва технологияларни ривожлантириш соҳасида давлат, хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш ташкилотлари томонидан олиб борилаётган ишлар ҳолатини ўрганиш, шунингдек уларнинг бу йўналишдаги фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар тайёрлаш.

Кенгаш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7. Кенгаш мазкур Низом ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар томонидан юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавобгардир.

4-боб. Кенгаш фаолиятини ташкил этиш

8. Кенгаш раиси - “Ўзбеккосмос” агентлигининг бош директори.

Кенгаш раисининг ўринбосари - “Ўзбеккосмос” агентлиги Геоахборот технологиялари ва навигациялар бошқармаси бошлиғи.

Кенгаш котиби – “Ўзбеккосмос” агентлигининг Лицензиялаш, стандартлаштириш ва илмий техник ишланмалар бўлими бошлиғи.

Кенгашнинг таркиби манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда “Ўзбеккосмос” агентлигининг буйруғи билан тасдиқланади.

Кенгаш раисининг ваколатига қуйидагилар киради:

Кенгаш мажлисининг кун тартиби ва йиғилишини белгилаш;

Кенгаш томонидан тузилган ишчи гуруҳлар фаолиятини назорат қилиш;

белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича Кенгаш аъзолари фаолиятини мувофиқлаштириш;

Кенгаш аъзоларининг шахсий таркибини ўзгартириш;

Кенгашнинг самарали ишлашини таъминлаш учун бошқа ваколатларни амалга ошириш.

9. Кенгаш аъзолари:

Кенгаш мажлисларида кўриб чиқилган масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этишда қатнашиш;

республика космик фаолиятини ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича Кенгашга таклифлар киритиш;

Кенгаш томонидан кўриб чиқилган масалалар бўйича хулосалар чиқариш.

Кенгаш аъзолари Кенгаш фаолиятида жамоатчилик асосида иштирок этади.

10. Кенгаш котиби:

Кенгаш мажлиси учун зарур бўлган ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

мажлис ўтказиладиган сана ва жой, шунингдек таклиф қилинувчилар рўйхатини Кенгаш раҳбарияти билан келишади. Кенгаш аъзолари ва таклиф қилинган шахсларни йиғилиш санаси, вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилади;

кун тартибидаги масалалар бўйича Кенгаш мажлисларини ташкил қилади. Кенгаш мажлисининг баённомаларини тузади ва тасдиқланишини таъминлайди;

Кенгаш фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлайди;

Кенгаш мажлиси учун зарур бўлган материалларнинг тайёрланишини таъминлайди ва манфаатдор ташкилотлардан зарур материаллар ҳамда эксперт хулосаларини олади.

11. Кенгаш йиғилишлари йил давомида заруратга кўра ўтказилади.

12. Кенгаш аъзолари мажлисдан камида беш кун олдин йиғилиш вақти, жойи ва кун тартиби тўғрисида хабардор қилинади.

13. Кенгаш мажлисини унинг раиси бошқаради. Кенгаш раиси йўқлигида йиғилиш унинг ўринбосари томонидан ўтказилади.

“Ўзбеккосмос” агентлиги томонидан стратегик қарорлар қабул қилиш учун Кенгаш аъзоларининг учдан икки қисмининг ижобий хулосаси етарли ҳисобланади.

5-боб. Яқуний қоидалар

14. Кенгаш мажлисига давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шу жумладан олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот, лойиҳалаш ва бошқа ташкилотларнинг раҳбар ҳамда мутахассислари таклиф қилиниши мумкин.